



# ПАХТА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

Туркестон вилоятида 125,8 мингектар майдонга чигит қадалиб, 331 минг тонна ҳосил олиш режаланган. Вилоятда 25 мингдан зиёд деңгөн хўжалиги пахта етишириш билан шуғулланади.

Жетисай, Мақтаарал туманлари ва Кентов шаҳрида терим мавсуми бошланди.

Пахта теримини дастлабкилардан бўлиб бошлаган Мақтаарал тумани Жамбил қишлоқ округидаги “Арай” деңгөн хўжалиги. 5,5 гектар ерга “Мақтаарал 4017” навини эккан.

Хўжалик ўртача ҳисобда гектаридан 27 центнердан ҳосил олмоқда. Бу ишларга қишлоқ фуқаролари жалб этилиб, терилиган пахтанинг ҳар бир килосига 30 тенгедан ишҳақи тўлланмоқда.

Бугунги кунда туман бўйича пахта

териш мавсумида 15та бригада, 403 теримчи иштирок этмоқда. Ҳозирги кунда асосан қўл терими авжида, 125 гектар пахта майдонидан 269,5 тонна “оқ олтин” хирмонини кўтардилар.

Туркестон вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасининг маълум қилишича, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга, пахта хўжалигини ривожлантиришга давлат томонидан катта ёрдам кўрсатилмоқда. Чунончи, кузги дала ишларини олиб бориш учун 39,2 минг тонна ёнилғи ажратилиб, агротузилмаларга литри 161-163 тенгедан берилди. Шунингдек, 457та комбайннинг 92 фоизи терим мавсумига шай.

**Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.**



## ПРАЙМЕРИЗ: ҚИЗГИН БАҲС ВА МУНОЗАРАЛАР ДАВРИ

PRIMARIES  
NUR OTAN ПАРТИЯСЫ ШАҲАДАТ САМАВАТ  
2020

## ПРАЙМЕРИЗ: БАҲСЛАР АВЖИДА

Туркестон вилояти аҳолисининг сиёсий фаоллиги кундан-кунга ортиб бормоқда. Туркестон вилоятидан Nur Otan партияси праймеризида 1144 номзод иштирок этмоқда. 14-16 сентябрь оралиғида минтақада 75 баҳс ўтказилиб, унда 368 номзод қатнашган.

Умуман, Туркестон вилоятида праймеризнинг тарғибот-ташвиқот даври бошлангандан бўён 724 тадбир ўюнтирилган. Унда 15 мингдан зиёд одам иштирок этган.

Шунингдек, 650дан зиёд тадбир онлайн тартибида ўтказилган. Праймеризда иштирок этаётган 1144 номзоднинг 1077 нафари тарғибот-ташвиқотни бошлаб, учрашувлар ўтказди.

Бошлангич партия ташкилотларида 338 учрашув ўтказилиб, унда 10397 киши қатнашди. “Эшикдан – эшикка” акциясида 264 номзод қатнашган.

Яна шуни айтиш жоизки, Туркестон вилоятида ўтаётган праймериз вақтида карантин қоидалари қатъий риоя қилинмоқда. Бундан ташқари, “Праймериз” ахборот тизимиға 206та ҳавола ва ижтимоий тармоқларда праймериз ҳақида мингдан зиёд мақола эълон қилинган.

**Вилоят минтақавий  
коммуникациялар хизмати.**

Қазигурт туманида Nur Otan партияси праймеризида 6000га яқин партия аъзоси овоз беради. Улар тумандаги 14та бошлангич партия ташкилотининг аъзолари. Ҳозирнинг ўзида тумандаги 5243 нафар партия аъзоси, яъни нуротанчиларнинг 89,6 фоизи праймериз сайтида рўйхатдан ўти, қолган 632 нафари рўйхатдан ўтиша рафасида.

Шу ва бошқа масалалар Nur Otan партияси вилоят филиали раисининг биринчи ўринбосари Бейсен Тажибаевнинг Қазигурт туманига сафари давомида айтилди.

Бейсен Даулетули дастлаб тумандаги бошлангич партия ташкилотларида овоз бериш ва баҳслар ўтадиган жойларнинг аҳволи билан танишиб, праймериз иштирокчилари билан учрашиди.

Сафар давомида биринчи ўринбосар Шарбулақ бошлангич партия ташкилоти ўюнтирган баҳсада қатнашди. Унинг очилишида сўз олган Бейсен Тажибаев праймеризнинг

аҳамияти ва қоидаларига атрофлича тўхталиб, номзодларнинг саволларига жавоб берди.

Шундан сўнг, у туман партия бўлуми биносида бошлангич партия ташкилоти раислари билан мажлис ўтказди.

Қазигурт туманида праймеризни ўюнтириш ва ўтказиш мақсадида 15 кишидан иборат кўмита ва ҳисбикитоб комиссияси тузилган. Учрашув ва баҳслар ўтадиган 14та жой белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, Қазигурт худудий ташкилий қўмитасига 93 номзод ариза берган. Улар орасида ҚР Парламенти Мажлисига 1 номзод, вилоят маслаҳатига 9 номзод, туманга эса 83 номзод рўйхатдан ўтиб, партиянинг кадрлар захирасига кириш учун праймеризда омадини синааб кўради.

**Nur Otan партияси вилоят  
филиалининг матбуот хизмати.**

## ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

“Абай оқулары” онлайн танлови Абай Қунанбаев таваллудининг 175 йиллигига багишилаб ўтказилди ва якунлари чиқарилди. Вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси ва минтақавий “Маънавий янгиланиш” девони ташкилотчилигига ўтган танлов 27 августда бошланиб, 11 сентябрда тугади. Танловда вилоятдан 60га яқин даъвогар қатнашиб, омадини синааб кўрди.

1-босқичда иштирокчилар Абайнинг шеърлари, 2-босқичда насиҳатларини ўқиб, ижтимоий тармоқларда видеоларни юклаш шарт эди.

Танлов натижаларига кўра 1-ўринга Сайрам туманидан Камила Даҳанова, 2-ўринга кентовлик Ақнур Балтабаева, арислик Қарашаш Қулахмет, 3-ўринга шардаралик Ақерке Демесбек, ўрдабошилик Аялум Таукел, арислик Назик Абдуева эга бўлиши.

Голибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Вилоят минтақавий  
коммуникациялар хизмати.**

## БАНДЛИК ДАСТУРИ – АМАЛДА



Туркестон вилоятининг Кентов шаҳрида бу йил 8 ойда «Енбек» дастури доирасида 3979 одам иш билан таъминланди. Чунончи, режага мувофиқ йил сўнгига қадар дастурнинг иккинчи йўналиши – тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантириш доирасида 482 фуқарога қўллов кўрсатилиши керак бўлса, бугунги кунга қадар 314 одам иш билан таъминланди. Унинг 139 нафари «Бастау Бизнес» лойиҳаси бўйича тадбиркорлик курсини тутгатса, 45 нафари кичик насия олган ва 130 нафари давлат грантига эга бўлган.

Шунингдек, бу йил дастурнинг учинчи йўналиши – аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва меҳнат захираларининг ҳаракатчанлигини ошириш бўйича 6103 одамни иш билан таъминлаш режаланган. Бугунги кунга қадар 3665

фуқарога ёрдам кўрсатилди. Улардан 1623 нафари доимий ишга жойлашса, 143 нафари ижтимоий иш ўринлашрига юборилган, 500 нафари ёшлар амалиётига, 1399 фуқаро эса тўловли жамоат ишларига жалб этилган.

«Бандликнинг йўл харитаси» доирасида Кентов шаҳри бўйича 62та лойиҳа

## ЧОРВАЧИЛИКДА ЎРДАБОШИЛИКЛАР ПЕШҚАДАМ

Ўрдабоши туманида жорий йилнинг 7 ойи давомида йирик қорамол сони 74 минг, қўй-эчки 432,1 минг, йилки 25,6 минг, тую 740 минг, парранда 432,1 минг бўш бўлди.

Туман миқёсида жами 11365,2

тонна гўшт етиширилган.

Бугунги кунда туманда 355та мол бўрдоқилаш майдончалари фаолият юритмоқда. Улардан 76таси бу йил ишга туширилди.

**Вилоят минтақавий  
коммуникациялар маркази.**

**Овул – эл бешиги**



## 40ДАН ЗИЁД КЎЧА ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Арис шаҳрида йўллар узунлиги 638,6 чақиримни ташкил қиласди. 297,3 чақирим – вилоят, 69 чақирим йўл туман аҳамиятига эга, 272,3 чақирим йўл эса аҳоли манзиллари орасидаги йўллар.

2020 йили маҳаллий бюджети ҳисобидан шаҳар ҳудудида умумий узунлиги 13 чақиримни ташкил этадиган 20та кўчага ўртacha таъмир ва шағал тўшаш ишлари юритилади. Шунингдек, “Овул – эл бешиги” дастури доирасида рес-

публика ва вилоят бюджети ҳисобидан Мўнтайтас қишлоқ округига 14та кўча, Ақдала қишлоқ округига 28та кўча таъмирланмоқда.

Умуман олганда, таъмирлаш ишлари давомида 244744 квадрат метр майдони асфальтланиб, 63044 квадрат метр пиёдалар йўлакчasi курилади.

**Вилоят минтақавий  
коммуникациялар хизмати.**

ҚОЗОҚ ҚУРИЛИШ ВА  
МЕМБОРЧИЛИК  
ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ  
ИНСТИТУТИ ОЛИМЛАРИ  
ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙ  
МАҚБАРАСИДА ТЕКШИРУВ  
ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРМОҚДА



ҚР Маданият ва спорт вазирлигининг ташаббуси билан амалга оширилаётган тадбирнинг мақсади – ўрта асрға оид меморий услуг ҳисобланган Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасининг деворлари ва қурилиш материаллари, Марказий Осиёдаги гиштдан тикланган энг йирик гумбазнинг ахволини таҳлил қилиш, асрлар оша қад күтариб турган имаратни сақлаб қолишдан иборат.

## МАҚБАРАНИ КҮЗ ҚОРАЧИҒИДЕК АВАЙЛАЙМИЗ!

Шунга мувоғиқ, институт қошидаги олимлар ва илмий ходимлардан иборат таҳлилчилар гурухи тузилиб, мақбаранинг пойдеворидан то гумбазигача таҳлил юритмоқда.

– Институтимиз, нафақат Қозогистонда, балки МДҲ давлатларида ҳам малакали ходимлари билан машхур. Илмий ходимларимиз мақбаранинг яроқлилик муддати, емирилаётган жойларни аниқлади, ўз тавсияларини беради. Текширувлар шуну кўрсатмоқдаки, мақбаранинг пойдевори мустаҳкам. Иншоотнинг сейсмик ҳолатини ҳам ўрганмоқдамиз, – деди институт вакили Сиримбек Ержанов.

– Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини асл ҳолида сақлаш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йили ЮНЕСКО Халқаро ташкилотининг мутахассислари ҳам мақбаранинг қурилиш ҳолатини таҳлил қилишган эди, – деди музей директори Н. Ахметжанов.

“Жанубий Қозогистон”  
мухбири.

### ● Тақдимот

Вилоят маданият ва халқ ижодиёти маркази ташкилотчилигида “Миллий мерос жарчиси” ҳужжатли фильмининг тақдимоти ўтди. Миллий санъатни тараннум этувчи – ўланчи, бастакор, дўмбира устаси, бургут ва този итлар парваришловчи, ёғоч устаси сингари хунар соҳибларини улуғловчи ижод маҳсул минтақамиз обўсими юксалтирувчи омиллардан эканлиги айтилган матбуот анжуманида ҳужжатли фильм қаҳрамонлари ҳам иштирок этишиди.

## МАДАНИЯТ ВА САНЪАТИМИЗНИ ТАРАННУМ ЭТИБ

Келеслик ўланчи, термачи Абиль Бўриханов ва ўтрорлик сураткаш Адилхан Малик аждодларимиздан қолган бой мерос ҳақида гапиридилар.

Тадбирда, шунингдек, Элбошининг “Келажакка йўлланма: мавнавий янгиланиш” мақолосидаги “Туғилган юрт” дастурига йўналтирилган вилоятимиздаги ҳар бир туманинг табиати ва қадимий жойларига саёҳатга чорловчи “Туғилган эл” қўшиғига туширилган клипнинг ҳам тақдимоти ўтди. Бундан ташқари таникли бастакор Бекжигит Сердалининг 60 йиллик юбилейига тайёрланган “Неге, неге?” қўшиғига Қирғизистон, Ўзбекистон, Арманистон ва Қозогистоннинг ёш хонандадари иштирокида туширилган видеоклип ҳам намойиш қилинди. Лойиҳа режиссёри Мейиржан

Алиакбаров барча ижод маҳсуллари миллий мусиқа, маданиятни тарғиб қилишга бағишилганини алоҳида таъкидлади. Ҳужжатли фильм эса инглиз, турк тилларига таржима қилиниб, хорижий давлатлар теливидениесида намойиш қилинишини маълум қилди.

Халқаро лойиҳаларнинг бирида Шамши Қалдаяқовнинг 90 йиллигига Венгрия, Бошқирдистон, Германия, Бурятия, Қирғизистон, Украина, Россия, Арманистон, Болгария давлатларининг санъаткорлари ижросидаги “Кувонч валъси” қўшиғига туширилган клип ижтимоий тармоқдаги энг кўп тарқалган челеңж клипга айланганини маълум қилди.

Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.

## ЯРМАРКА ИШ БОШЛАДИ



Шимкентда эпидемик ахвол барқарорлаштиргани туфайли шаҳар ҳокими М. Айтеновнинг топшириғига кўра “Қажимуқан” марказий стадионида қишлоқ ҳўжалиги ярмаркаси ўз фаолиятини яна тикилади.

Мазкур ярмаркани уюштиришдан мақсад – ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларини барқарорлаштириш, аҳолини мақбул баҳодаги озиқ-овқат

билин таъминлаш ва даллоплик хизматини чеклашдан иборат. Шимкент шаҳрининг қишлоқ ҳўжалиги ва ветеринария бошқармасининг ташабbusи билан ярмаркада 200 дан зиёд шаҳарлик тадбиркорлар ва вилоятимизнинг Тўлебий, Тулқибош, Сайрам, Ўрдабоши туманларининг товар ишлаб чиқарувчилари ҳам иштирок этади. Унда сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари бозор нархидан 10-15 фоиз арzon.

Савдо ярмаркасида карантин талабларига қатъий риоя килиниб, дезинфекция тунеллари ўрнатилди.

Мазкур тадбир ҳар ҳафтада давом этади.

Шимкент шаҳар ҳокимининг матбуот хизмати.

## ПАНДЕМИЯ ИЖОД ҚИЛИШГА ТЎСИҚ БЎЛЛАМАЙДИ

Тулқибош тумани “Ёшлар имконият маркази” ташабbusи билан “Сехрли мўйқалам” мавзуида имконият чекланган ёшлар ўртасида онлайн танлови ўтказилди.

Танлов мақсади – ёшларни ижодга жалб этиш, иқтидорларни аниқлаш ва қўллаб-куватлаш, уларнинг қизиқишиларини ортириш.

Танлов шартлари бўйича 14-29 ёш оралиғидаги имконият чекланган ёшлар қатнаша оладилар.

Иштирокчилар бажарган ишларини видео тасвирга тушириб, 25 сентябр гача туман “Ёшлар имконият маркази”га жўнатишлари мумкин.

Танлов натижаси 2 октябрь куни “Ёшлар имконият маркази”нинг facebookдаги саҳифасида эълон қилинади.

Голибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

С. ШАРИФБОЕВА.

## БИР КУНДА 4000га ЯҚИН ФУҚАРО ТУМОВГА ҚАРШИ ЭМЛАНДИ

Жорий йилда тумовга қарши эмлаш ишлари эртароқ, яъни 15 сентябрдан бошланди. Вилоятимизда бир кунда 4000га яқин одам эмланди. Минтақамиздаги тиббиёт муассасалари сифатли ва тегишли текширудан ўтган вакцина билан таъминланганини исботлаш мақсадида Туркистон шаҳар марказий касалхонаси маъмуряти ва ходимлари вакцинани биринчи бўлиб ўзларида синаб кўришиди. Вилоят марказидаги касалхонада жорий йилда 11500 одамни эмлаш режалаштирилган.

– Ҳар йили кузда шамоллаш ва тумов кучайиб кетиши маълум. Жорий йилда аҳолини эмлаш ўта муҳим. Чунки, корона вирус инфекцияси юқоридаги касалликлар билан қўшилиб

кетса, эпидемиологик ахвол оғирлашиб кетиши мумкин, – деди боз шифокор ўринбосари Серик Абдиқулов.

Эмлашнинг биринчи кунида касалхонада 4000га яқин одам тумовга қарши вакцина қабул қилди. Улардан 166 нафари тиббиёт ходимлари.

Вакцина сурункали касалликлари бор 18 ёшгача болаларга, тиббиёт ходимларига, ҳомиладор аёлларга, болалар уйи ҳамда мактаб-интернат тарбияланувчилари, ногиронлар, сурункали хаста одамларга, 60 ёшдан ошган каријаларга белуп қилинади.

Тумовга қарши эмлаш ноябрь ойигача давом этади.

Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.

## ТУМОВДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Йилнинг совуқ кунлари келиши билан ўтқир вирусли инфекциялар мавсуми бошланиши маълум. Шунинг учун иложи борича касал бўлмасликка ҳаракат қилиш муҳим.

Туркистон вилоятида 2020 йилги гриппга қарши Россия препарати – “Гриппол+” вакцинасидан 240637та дозаси харид қилиниб, вилоят аҳолисининг деярли 13 фоизини эмлаш режаланмоқда.

Режага мувоғиқ, эмлаш ишлари, аввало, алоҳида тоифа (тиббиёт ходимлари, тез-тез оғрийдиган болалар, ҳомиладор аёллар, ёпик муассасаларнинг вакиллари)га қўлланилади.

Буни минтақавий коммуникациялар хизматида ўтган брифингда вилоят Товарлар ва кўрсатилган хизматларининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш департаменти раҳбарининг ўринбосари Б. Елемесов маълум қилди.

Унинг айтишича, одатда тумовнинг эпидемиологик мавсуми 1 октябрдан бошланиб, келгуси йил апрели охиригача давом этади. Дастрлаб (октябрь, ноябрь) риновирус, аденоноirus, парагрипп каби енгил респираторли вирусли инфекциялар тарқалиши кузатилади. Шунинг учун эмлаш 15 сентябрдан бошланади.

– Вилоят миқёсида жорий йилнинг 8 ойи мобайнида 4820та ҳолат енгил вирусли инфекция билан рўйхатга олинган. Бу кўрсаткич ўтган йил билан таққослаганда 11,3 фоизга кам. Беморлар орасида кўпроқ (50,7 фоиз) 14 ёшгача бўлган болалар бу дардга чалинмоқда.

Кўпчиликка маълумки, бутун дунёга хавф солаётган коронавирус Республика измизга салбий таъсирини кўрсатди. Тахминларга кўра, куз-қиши ойларида коронавируснинг иккинчи тўлқини бошланиб, ОРВИ ва тумов билан баравар бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Шунинг учун республика бўйича тумовнинг олдини олиш ва мониторинг чора-тадбирлари сентябрдан бошланмоқда, – деди мутасадди вакил.


Шунингдек, брифингда қатнашган вилоят жамоат соғлигини сақлаш бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Н. Наримбетова ҳам эмлашнинг фойдалари жиҳатларига тўхтади:

– Гриппнинг асоратлари ёмон, агар у тўлиқ даволан маса, пневмония, отит, гайморит, менингит, энцефалит каби оғир дардларга олиб келиши мумкин. Ўлим ҳолатлари эҳтимоли ҳам бор. Шу сабабли имкониятдан фойдаланиш керак. Алоҳида тоифадан ташқари эмланиш ниятида бўлган шахсларни маблағлари эвазига эмлашни Туркистон шаҳар шифохонаси зиммасига олмоқда.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

Nur Otan партияси праймеризига Туркестон шаҳридан номзод

## Ибрагимова Нилуфар Фозил қизи



### САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

2018 йили 19 июнда Элбошимиз, Түңгич Президенттимиз Н. Назарбаевнинг 702-сонли Фармони асосида янги мина тақа – Туркестон вилояти ташкил этилиб, Туркестон шаҳрига унинг маркази мақоми берилди. Кўхна Туркестон шаҳри тарихида туркийлар маданияти ва маънавияти, халқаро туризм маркази сифатида янги тараққиёт палласи бошланди.

Бир йилда Туркестонга 1 миллиондан зиёд зиёрратчи ташриф буюриб, давлат томонидан бу кўрсаткини 2025 йилгача йилига 5 миллионга етказиш режаси белгиланди. Сайёхларни меҳмонхоналар билан хостеллар тизимидағи хусусий уйлардаги меҳмон уйлашиб жойлаштириш орқали янги иш ўринларини яратиш, сайёхлар учун сервис хизмати мақбуллигини таъминлаш имконияти катта.

Хазрат Яссавий, Уккоша ота, Арслонбоб, кўхна Саврон, Ошиқ Юсуф ота, Сузук ота зиёрратгоҳларига зиёрратчиларни кўплаб жалб этиш, уларга бир неча кунлик хизмат кўрсатиш орқали шаҳар бюджетига мўл даромад келтириш, янги иш ўринларини кўплаб яратиш мумкин. Шу йўналишда тажриба имкониятларини сафарбар этади.

Аёл ва она, кўп фарзандли оила, ишсизлик, муҳтоҷлик масалаларидан сайловчилар билан ишлаш режаларим бор. Сайловчилар билан мунтазам учрашиб, доимий равишда зарур чоралар қабулланишига эришиши кўзламоқдаман.

Асосий мақсадим – халқаро туризм тараққиёти орқали туркестонликларнинг фаровон ҳаёт кечиришига эришиш.

## “АҚЖАЙИҚ”ДАГИ БАҲС

Праймериз баҳсининг учинчи куни “Ақжайик” мусикий мактабида давом этди.

Бугунги кунгача ўтган баҳсларда 20 нафар номзоднинг дастурлари таништирилиб, томошабинлар ва рақобатдош номзодлар томонидан қўйилган саволларга жавоб берилган эди.

Умуман, номзодлар корхоналарда янги иш ўринларини очиш билан ишсизликни бартараф этиш, фан ва таълимга ётиборни кучайтириш, шаҳар тозалигини ўйла қўйиши, фуқаролар орасида соглом турмуш тарзини маданий ҳаётга татбиқ этиш, интернет қувватини ошириш, янги стартап лойиҳаларга маблағ манбаини топиш, ўқувчилар, ўқитувчилар ҳамда кўп болали оиласларга ижтимоий имтиёзлар кўрсатиш, туризм, курилиш соҳасига ёз-

тибор қаратиб, ҳаммабоп бошпана билан таъминлашга доир келажак режалари билан ўртоқлашдилар.

Модератор ўз навбатида ҳар бир номзод дастури доирасида саволлар кўиди. Шулардан бири, барча жамиятга ўртоқ “Тоза шаҳар мақомини олиш учун нима қилиш керак?”, деган саволга ахлатларни тўплаб, қайта ишлашга доир тавсиялар айтилди. Шунингдек, спорт соҳаси бўйича Туркестон шаҳри ёшлиарининг футболга фаоллигини ошириш мұхимлигига ҳам тұxtалиши.

Баҳсда иштирок этган номзодлар шаҳар маслаҳати депутатлигига даъвогарлар.

“Жанубий Қозогистон” мухбири.

## ПРАЙМЕРИЗ: ИККИ КУНДА 47ТА БАҲС ЎТДИ

Вилоятимизда 14-15 сентябрь кунлари праймериз доирасида 47та очик баҳс ўтказилди. Баҳс-мунозарага бой ўтган тадбирларда туман, шаҳарлардан 233 номзод қатнашди.


Баҳслар партия филиалларининг расмий аккаунтларида жонли эфирда на-мойиш этилмоқда. Вилоятимизда ўзгача уюштирилган баҳснинг бири Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси ёнидаги 1000 ўринли амфитеатрда ўтди.

Ёдингизга солсак, очик баҳслар 14 сентябрда бошланиб, 30 сентябрда ни-хоясига етади. Шу мақсадда Nur Otan партияси Туркестон вилоят филиали томонидан овоз беришига ва баҳсларни ўтказишига 209ta жой тайёрлаб қўйилган. Уларнинг 128таси Маданият уйлари ва қишлоқ клубларида, 58таси тўйхона ва

хусусий тадбиркорлик иншоотларида, 23таси эса хусусий уйлар ва спорт иморатларида жойлашган.

Таъкидлаш жоизки, праймериз низомига мувофиқ, вилоятимизда 17 ва 28 август оралигида номзодларни рўйхатга олиш тадбирлари юритилди. Унда барча туман ва шаҳарлардан праймеризга 1144 номзод рўйхатга олинди. 1-3 октябрь кунлари номзодларга овоз берилади. Унда партияниң вилоятимиздаги 80 мингдан зиёд аъзоси қатнашиши кутилмоқда. Улар 245ta бошлангич партия ташкилотларига бириттирилган.

Nur Otan партияси Туркестон вилоят филиалининг матбуот хизмати.



**Nur Otan**  
партиясының  
праймеризіне  
Тулкібас ауданынан  
үміткер

## МИРКАДИРОВ БАХТИЯР МИРИЛЯСҰЛЫ

Құрметті Nur Otanдықтар,  
Құрметті партия мүшелері!

Біздің аудан облыстық деңгейдегі тағдыры мен тарихында, экономикасының жаңа инновациялық бағытта дамында елеулі үлесі және орны бар аудан.

Nur Otan партиясының аудандық филиалының саяси кеңесі маган аудандық маслихаттың депутаттығына үміткер болу құқығын ұсына отырып, үлкен сенім артты.

Егер сізде маган сенім артып, DAUYS C берсеңіз!

Аудандық маслихат депутаты ретінде сайланған жағдайда, өз жауапкершілігіндегі сезіне отырып барлық күш-жігеріммен білімімді, тәжірибелі жұмысшылардың көмекшілігінде жағдайда жаңа инновациялық бағытта дамында елеулі үлесін атқарып, үлкен сенім артты.

Сонымен қатар, осы сезімді қабылдай отырып, өз сайлаушыларымың, барлық аудан тұрғындарының өзекті мәселелерін шешуге көмек көрсету және орындауга бағыттау деп есептеймін.

**Өзінің бағдарламамда көзделген міндеттерімді:**

- Ауыл жастарының көспілтік-техникалық ма-мандық алуына ықпал етуге;

- Шағын және орта көспіктерлікте қолдау; Қазіргі таңда көспіктерлікпен айналысып, өз көспітерін әрі қарай дамытып жатқан отбасылар көп, соларды әрі қарай дамытуға атсалысуга;

- Ауылдағы ауыз су жүйесін жоспарлы кайта салуда және жөндеу жүргізуіді назардан тыс қалдырмау; әсіресе, жаздың күні халық су тапшылығын көрді.

- «Үлкенге құрмет, кішіге ізет» көрсетуге;

- Округіміздің және ауданымыздың ауыл шаруашылығы саласында асылданыру жұмыстарының ғылыми-селекциялық негізде жүргізілуіне көмек беруге;

- Әрқашан көғамдық тертіп, ауыл тәртібі мәселелерін тиімді шешуге;

- Nur Otan партиясының мүшесі ретінде партияның алға қойған міндеттерінің орындалуын қадағалауға;

- Округ аумағындағы халықтың жұмысспен қамту мәселеесіне көніл бөлү, «Нәтижелі жұмыспен қамту» және жаппай көспіктерлікти дамыту және «Бастау бизнес» бағдарламаларын жүзеге асыру арқылы, ауылдық жерлерде жұмыссыздық деңгейін қысқарту үшін жұмыс істеуге;

- Елді мекендерді атаптандыру (көгелданыру, кентішлік жолдарды жөндеу, көшелерді жарықтандыру), санитарлық тазалай мәселе-леріне жәрдемдесуге;

- Халықтың аса мұқтажды топтартына-зейнеттерлер мен мүгедектерге, мүгедек балдарды асыраушылар мен асыраушысынан айырылған отбасыларға, аз қамтылған отбасыларға, көп балалы аналарға жан-жақты қолдау көрсетуге;

- Аудан тұрғындарының көкейінде жатқан мұн-мұқтаждың аудандық мәслихат сессиясында кетеріп, барынша шешуге қажетті жұмыстарды атқаруға және оның орындалуына тікелей арапасуға бар күш жігерімді саламын!

- Құрметті сайлаушылар! Біздің Елбасымыз бен Президенттіңіздің саясатын мен толығымен қолдаймын, бейбітшілік және татулықтағанда біздің еліміз амандыққа және гүлденуге қол жеткізеді. Біздің еліміздің табысты дамуы әрқайсымызға байланысты, біз бірлесіп әрекет етуіміз керек.



Россиядаги дорижоналарда коронавирусдан даволашга мүлжалланган дорилар савдога чиқарилди.

# ЭЛБОШИДАН ИБРАТЛИ РИВОЯТЛАР

Сўнгги ўйларда Элбоши Нурсултан Назарбаев ўз чиқишиларида ибратли ривоятлардан мисол келтирмоқда. Биз уларни бир мақола-га бирлаштиридик.

## Раҳбарлар ўз ходимларига қандай муносабатда бўлиши керак?

«Шарқда бир улуғ маҳаражга бўлган экан, у жуда ҳам зерикиб кетибди. Унинг ҳамма нарсаси бор бўлгани боис, ҳаётга қизиқиши сўнгдан эди. Маҳаражагининг талабларига ҳеч ким «йўқ деб жавоб бермайди, у барчасига эришган. Бироқ у зерикишдан касал бўлганди. Қаердадир уни бу касалликдан даволовчи авлиёй борлигини эшитади. У бир умр хизмат қилган хизматкорини ўзи билан олиб, йўлга чиқади. Йўлда бўрон туриб, уларни қўум босиб қолди. Туялар ва карвон йўқолади. Улар иккисигина қолишади. Ташналиктан ўзи ҳам, хизматкори ҳам ўлим ёқасида қолган эди. Мешда бир неча сув томчиси бўлиб, уни ўзи, ёки хизматкори ичиб омон қолиши керак эди...



Маҳаражга 30 йиллик хизмати давомида биринчи марта унга умрини фидо қилаётган хизматкори борлиги ҳақида ўйлаб қолди. У эса бирор марта унга миннатдорчилик ҳам билдирамади, бошини силамади. «Қандай одам бўлдим» деб ўйлаб, мешдаги қолган сувни хизматкорнинг оғзига томизибди. Хизматкор дарров ўзига келиб, яна унга хизмат қила бошлади. Шу пайт шаррос ёмғир қўйиб юбориби, ҳамма омон қолибди. Шунда хизматкор «Ҳазрат, авлиёни излашда давом этамиз» деган экан, маҳаражга «Йўқ, мен ўзимга керакли нарсани топдим, бошқа излашга ҳожат йўқ. Уйга қайтамиз!» дебди.

Демак, маҳаражка ўзига хизмат қилган, амал жиҳатидан пастроқ одамга хайрли иш қилиш ортидан бахт топди. Шу боис юқори лавозимдагиларнинг ўзидан паст мартабали ходимларга хурмати инсоний, олижаноб бўлиши керак. Инсоннинг моҳияти ҳам шунда», дея хулоса қилди Элбоши.

## Қандай қилиб баҳтли бўлиш мумкин?

– Ҳамма баҳтли бўлишни хоҳлайди. Бу баҳтни қаерга яширасам экан? Ерга бекитсан – топишади, сувга яширасам – топишади. Ҳатто осмонда ҳам топишади. Келинг, баҳтни ҳар бир инсоннинг ўзига яширайлик. Унга эришиш учун кучли истак ва интилиш бўлса бўлгани. Сизга баҳт тилайман! – деди Элбоши Янги йил байрами арафасида.

– Аллоҳ инсонни яратди. Бир бўлак лой ортиб қолди. Яратган инсондан яна нима ясад беришни хоҳлашини сўради. Инсон айтди: «Менга баҳт бер». Шунда Яратган лой бўлганини олиб, уни инсоннинг кафтига кўйибди. Яъни инсон ўз баҳтини ўзи қуради, инсон ўз келажагини меҳнати билан қуради. Баҳт – бироровдан совға олишда эмас, барчасига ўз меҳнатинг билан эришганингда, буни ёдда тутиш керак, – деди Назарбаев.

## Она меҳри ҳақида

Иигит қизга қаттиқ ошиқ бўлибди. Бу севги кўзларни хирадлаштиради, кўп нарсаларни пайқамайсиз... Қиз гўзал, бироқ жуда талабчан экан. Иигита нима буюрса, йўқ демас экан. Бир куни қиз «Онангнинг юрагини олиб келсанг, сенга ишонаман» дейишгача бориби.

Иигит нима қилишини билмай, уйда маъюс ўтирганиши, на ейишида ва на уйқусида ҳаловат бормиш. Охири онаизор сўрабди: «Ўғлим, сенга нима бўлди?».



Шунда она ўғлининг қандай сўниб бораётганини кўриб, «Юр, саҳрони айланаб келамиз» дебди. У саҳрони кезиши давомида ўғлидан сўрабди: «Қандай қилиб бундай тошбагир қизни севиб қолдинг? Унинг бундай истаклари билан қандай яшайсан?»

Бироқ иигит у қиздан воз кечмаслигини айтибди. Шунда Она ўз юрагини суғуриб олиб, ўғлига берибди. Юрак йўл бўйи уриб турганниш. Кутимаганда иигит қоқилиб, ийқилибди. Шунда ҳалиги она юраги «Ўғлим, оёғинг лат емадими? Оғримаяптими?» дебди ва... уришдан тўхтабди.

Бундан ношуд фарзанднинг юраги ларзага келибди, сўқир кўзлари очилиб, том битган қулоқлари эшиша бошлабди, қалби титраб, худди ўрмондаги ёввойи шер мисол қаттиқ ўқириби, фарёд чекиб, онанинг юрагини кафтига олиб, уни ўзи тилка пора қилган она кўксига қайта жойлабди. Ва Аллоҳга илтико қилиб, волида мухтарамасини қайта тирилтириши сўраб, иссиқ кўз ёшлари билан она кўксини ювибди. Мўъжизани қарангки, ўғлининг бу ноласига чидай олмаган она юраги Роббимизнинг қурдати билан жонланиб, она тирилибди ва ўрнидан туриб, боласини бағрига босиби...

## Бойиб кетган фаррош ҳақида

Бир фаррошга «Кечирасиз, бизда шундай тартиб жорий қилинганки, ҳатто фаррош ҳам маълумотга эга бўлиши керак. Шунинг учун сизни ишдан бўшатишимиз керак бўлади, деб айтишибди. У ишдан бўшатишлибди. Юра-юра нима қилишни билмади, чунки бундан бошқа иш кўлидан келмас экан. Нима қилиш ҳақида ўйлабди. Охири барча фаррош дўстларини бир жойга тўплабди. Компания ташкил қилиб, тозалай бошлашибди. Бу компания пул ишлай бошлабди. Шундан сўнг улар тозаловчи машиналарни сотиб олишибди. Чиқиндиларни қайта ишловчи заводни ишга тушириб, бадавлат кишилар қаторига кўшилишибди. У пулларини сақлаётган банк, уни таклиф қилиб, шундай дебди: «Сиз бизнинг энг йирик сармоядорларимиздан бирисиз, ҳужжатларимизда имзоиниз ўйқ экан, марҳамат қилиб имзолаб берсангиз». У шундай жавоб бериби:

– Мен ёзиши билмайман, «Х» белгисини қўйсам бўладими?

Унга жавоб беришибди:

– Мумкин, бироқ сиз шунча пул ишлаб топасиз, нима учун ҳеч қаерда ўқимагансиз?

У дебди:

– Агар университет дипломим бўлганида, ҳалиҳануз банқда фаррош бўлиб ишлаётган бўлардим.

Қиссадан хисса шуки, инсон ўзини турли йўллар билан кашф қиласди.

Дарвоқе, мусоҳабалардан бирида Нурсултан Назарбаев ҳаётнинг мазмунни ҳақида саволга жавоб берди.

– Яхши яшаш – ватан фаровонлиги йўлида меҳнат қилишда. Бугунги кунингиз билан умр суринг. Биз эса ё ўтмиш, ёки келажак билан яшаймиз. Ким билади кейин нима бўлишини?! Эртага нима бўлишини билмаймиз. Мана, ҳозир шу ерда гапириб турибман, 5 дақиқадан кейин бу тарихга айланади. Нима учун йўқ нарса ҳақида ўйлаш керак? Сайёрамиз бутун бир галактиканинг бир зарраси. У астероид ё метеорит ҳужумларига йўлиқиши мумкин, вулкан отилиши ё зилзила бўлиши эҳтимол. Аллоҳ бизга жон берган пайтда қачон ўлишишимизни ҳеч кимга айтмайди. Билганимизда ҳаёт шундай кечармиди? Ҳаётнинг мазмuni – яхши яшаш, яқинларга, дўст-бирордларларга, ватанга меҳр-муҳаббатли бўлиш ва фарзандларимиз келажагига замин яратиш.



## Қадринг баланд бўлсин, она тилим!

Майли, ким қай тилдан шавқу завқ олса,  
Менинг ўз тилимга минг жоним фидо.  
Эрта она тилим агар йўқолса,  
Мен бугун ўлишга бўлурман ризо.

Расул ҲАМЗАТОВ.

Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси орқали сингади. Гўдакларнинг «она» деб тили чиқишида улкан маъно бор. Биринчи синфа бориб, таълимни она тили дарсидан бошлаймиз.

Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Абдулла Авлоний «Миллий тилин йўқотмок миллатнинг руҳини йўқотмоқдир» дейди. Собиқ тузум «ягона совет ҳалқи»ни яратиш учун миллий республикаларда шундай сиёсат олиб бордиди, кўп жойларда миллатнинг руҳига зиён етди, тили камситиди, миллий қадриятлари оёқости қилинди. Ҳаммани деярли бир тилда гапириш, бир тилда фикрлаш ва даҳрийча турмуш тарзига бўйсундириш учун қилган мантиқсиз ҳаракатлари, алалоқибат, ўзининг илдизига болта урди. Тарихнинг бу сабогини бир зум бўлсин унутмаслигимиз керак.

## Тил – ҳалқнинг руҳи

Тил – кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлибигина қолмасдан, шу тил эгаси бўлган жамиятнинг олам ҳақидағи билимларини тўплаб, келажак авлодга етказувчи, сезги аъзоларимиз орқали илғаб бўлмайдиган нарса ва ҳодисаларни ҳам билиб олишга кўмак берувчи, миллий маданиятимиз ва маънавий қадриятларимизни намоён этувчи, тингловчи ёки ўқувчиларнинг руҳий оламига жўшқинлик ва нафис таъсир этувчи қудратли бир хилқатдир. Шунинг учун ҳам Абдулла Авлоний тилнинг миллат ҳаётидаги ўрни ҳақида қўйдагиларни ёзди: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойина ҳаётни тили ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмок миллат руҳини йўқотмоқдир».

Ҳар бир миллатнинг миллат, ҳалқни ҳалқ қилиб бирлаштириб турган мухим белгилардан бири тил бирлиги белгиси миллатни кўтариб турган устунлардан биридир. Бу устунга дарз кетса, табиийки, у кўтариб турган миллат бутунлигига ҳам путур етади. Ана шунга асосланган ҳолда босқинчи кучлар бошқа ҳалқларни тобеликда ушлаб турис учун уларни тилидан мосуво қилишга ҳаракат қиладилар. Собиқ шўролар империяси ҳам рус бўлмаган бошқа ҳалқларни ягона социалистик миллат остига бирлаштириш сиёсатини амалга оширишга, бунинг учун эса, биринчи навбатда тилларидан жудо қилишга ҳаракат қилдилар.

Тил ҳам ривожланади, даврлар ўтиши билан ўзгаради. Демак, тил ҳам доимо ҳаракатда бўлади. Ҳар қандай тил шу тил эгаларининг нутқи орқали фаолият кўрсатади. Демак, нутқ фаолиятларидир. Шунинг учун ҳам инсоннинг сўзлашув жараёни нутқий фаолият саналади.

Она тилимиз – миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булогидир. Шундай экан, унга мунособ ҳурмат ва эхтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.

## Тилга ҳурмат – элга ҳурмат

Хорижлик меҳмонлар Сайрам қишлоғини айланаби чиқиб, ўз эхтиросларини яширмадилар.

– Бизнинг ҳавасимизни келтирган нарса аҳолининг ўз уйига, маҳалласига, она юртига чексиз муҳаббати бўлди. Ҳар бир ҳовлидан келинчаклар, қизлар, аёллар саҳарлаб кўчага чиқиб, сувлар сепиб, супуриб-сирияти. Маҳалладаги кўчалар топ-тоза, ёғ тушса ялагудек. Бу, албатта, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатдан дарак. Сарышталик уй-фаришталик. Юрtingиздаги барча ўзгаришлар ана шундан деб ўйладик, – деда ҳайратларини билдирилар.

Дарҳақиқат, қишиларимизда она юртга бўлган муҳаббат ҳисси жуда кучли. Лекин она юртнинг тилига ана шундай муносабат борми?

Ижтимоий тармоқлардаги ўзбекча сайтларга кириб кўринг, ёки кўчада илиниб турган эълонларга эътибор беринг, сўзларни бузуб ёзётгандар мактабда ўқиганни, деган хаёлга боришингиз табиий. Буларнинг барчаси ҳаётимиздаги тилнинг аҳамиятини етарли ҳисс қилолмайтганимиздан, она тилимизга етаришга даражада ҳурмат-эхтиром ҳисси етишмайтганимиздан. Шуларни ўйлар эканман, авар адиби Расул Ҳамзатовнинг «Догистоним» асаридаги бир ибратли эпизод ёдимга келади: Америкага сафарга борган догистонлик сайёҳ мухожирлиқда юрган ҳамқишлоғини кўриб қолибди. Қишлоғига қайтгач, унинг онасига ўғлини кўрганлигини, соғ-омон юрганлигини айтиби. Шунда она сайёҳдан сўрабди: «Сизлар қайси тилда гаплашдинглар? Агар авар тилида гапириган бўлса, менинг ўғлим бор, агар ўзга тилда гапириган бўлса, ундан ўғлим йўқ», дебди. Бу она тилига ҳурмат-этиқоднинг намунасиидир.

Биз ўшларга Она Ватанимиз, тарихимиз, миллий қадриятларимизга меҳр-муҳаббат руҳини сингдиришимиз билан бирга, она тилимизга ҳурмат, унинг бой имкониятидан фурурланиш, истиқболи учун қайтуриш ҳиссими ҳам уйғотмогимиз керак. Зоро, тилга ҳурмат – элга ҳурматдир.

Мунаввар ФАРҲОДОВА.



• Тилсім

# СИРЛИ «ДОИРАЛАР»НИНГ СИРИ НИМАДА?

«Сирли доиралар» деганда, Англия әқинзорларыда ўз-үзидан пайдо бүладиган (күпроқ айланы шаклида) улкан тасвирлар назарда тутилади. Уларни яна «иблис доиралари» деб ҳам аташади. «Доиралар»нинг келиб чиқиши сири жумбоқлигича қолмоқда. Бу хусусда тадқиқотчилар турли фикрларни билдириштеп. Айримлар буниң ўзга сайёраликлар белгиси деса, яна кимдир Худонинг одамларга берәётган огохлантириши, деб ҳисоблады.

1990 йиллардағе «доиралар»ни текшириш мақсадыда ҳаваскор тадқиқотчиларнинг қатор жамиятлары тузилиб, бу ноёб ҳодиса ҳақида бир неча хужжатлы фильмдар суратга олинган. Гарчи күпчилік олимлар бундай «доиралар» – бекорчи сохтакорларнинг құпоп ҳазили, деб ҳисобласа-да, айрим тадқиқотчилар бундай мұраккаб тасвирларни инсон құли билан яратыш мүмкін эмаслигини исботлашга интиладилар. Гап шундаки, аксарият ҳолларда бу улкан тасвирлар атиги бир кечада ўз-үзидан пайдо бүларди.

Хуллас, «доиралар» борасыда саволлар жуда күп, жавоб эса, афсуски деярли йўқ. Мисол учун, нега энді «доиралар» фақат Англияда пайдо бүлади? Ким уларни яратмоқда? Қандай қилиб? Нима мақсадда? Тадқиқотчиларнинг фикрича, «доиралар» қандайdir номағым мікротүлкін қуввати тасвирида ҳосил бүлган...

## САЛКАМ ЙИГИРМА ЙИЛЛИК ТАНАФФУСДАН СҮНГ «СИРЛИ ДОИРАЛАР» ЯНА АНГЛИЯ ДЕХҚОНЛАРИНИ БЕЗОВТА ҚИЛА БОШЛАДИ...

Аксарият тадқиқотчилар бир овоздан бу «доиралар» инсон құли билан эмас, балқы номағым куч тасвирида пайдо бүлган, деган холосага келди. Чунки тасвирнинг ён атрофларыда оёқ изләри ҳам йўқ эди! Лекин энг асосийи шундаки, «доира» акс этган жойлардаги үсимликлар таркибида муайян ўзгаришлар юз берган эди!

### ШАРСИМОН ЧАҚМОҚ

Сирли доиралар бүйича мутахассислардан бири Колин Эндрюс 2000 йилнинг августидаги журналистларга берган мусохабасыда бундай деди:

– Англия әқинзорларыда 1999-2000 йиллар мобайнида пайдо бүлган 300та «доира»нинг тахминан 80 фоизи сохтакорлар томонидан яратилган. Бирок уларнинг қолган 20 фоизининг келиб чиқишида бошқа сир бор...

Эндрюснинг фикрича, уларнинг пайдо бүлишига гаройиб ҳодисаларидан бири бүлмиш шарсимон чақмоқлар сабабчи эмиш. Шарсимон чақмоқ бу айрим кезләри осмонда пайдо бүладиган футбол түпі катталағидаги алангадир. Афсуски, шарсимон чақмоқнинг табиати ҳали унчалик яхши ўрганилмаган. Бирок энг асосийи шундаки, у ўзидан мікротүлкін тарқатар экан. Бу эса ўз навбатида

тижасида вужудга келиши түғрисидаги тахминни ҳисобга олиб, күпгина тадқиқотчилар уларни айнан шарсимон чақмоқлар юзага келтиради, деган тұхтамға келиши. Айримлар ҳатто, бу жараённи тасвирға туширишга әришган. 1999 йил 7 августда британиялик тадқиқотчи Доналд Флетчер «иблис доираси» узра порлаб турған номағым алансан камерага туширган эди. «Доира»нинг четига етгач, у ўз йұналишини кескін ўзgartыради. Кейінроқ мәтілүм бүлишича, бу номағым аланса шарсимон чақмоқ экан. У әқинзор узра «парвоз» қилиб, бир неча дақиқадан сүнг ерга урилғанда кучли портлаш юз берган. Бу портлаш натижасыда үсимликлар күйіб кетади ва шу тақыра ўзига хос «доира»лар пайдо бүләди.

Голланд физиги Элтью Хазельхоф шарсимон чақмоқлар билан боғлиқ тахминга асосланиб, бир гурух олимлар ҳамкорлігіда жиғдій тажрибага күл урди. Олим чақмоқнинг микротүлкінләри қандай қилиб үсимликлар таркибидеги ўзгаришларни юзага келтириши мүмкінligини илмий асосда исботлаб берди. Тажриба натижасының «Үсимликлар физиологиясы» илмий рұзномасыда эълон қылғанда күп малакали мутахассислар уннинг фикрига күшилди. Ҳозирги кунда «доиралар»нинг пайдо бүлишида шарсимон чақмоқлар билан боғлиқ тахмин


хақиқатта энг яқини ҳисобланади. Аммо...

Афсуски бу тахмин «сирли доиралар»нинг келиб чиқиши тұлалигича тушунтириб бера олмайды. Уннан бир асоссиз тарафи бор: ахир әқинзорда нағақат «доиралар», балқы учурчаклар, түгріри чизиқлар ва ҳатто, нақшлар ҳам пайдо бүлган-ку! Шарсимон чақмоқ эса бундай тасвирларни яратады.

Үтган йили сирли «доиралар» Шимолий Қозоғистон вилояти, Қызылжар тұмани, Вознесенка қышлоғидаги ғаллазорда пайдо бүлди. Бу гайритабиий ҳодисасынан биринчи гувохи Петропавл шаҳридағы 21-сонли мактабнинг физика фаны ўқытуvчысы Елена Любенкова (тасвирда олимлар билан ўртада) бүлди. Даражол бу ерга олимлар экспедицияси етиб келди. Учиш аппаратлари ёрдамида суратта олинғанды олимларнинг ҳайрати яна ошди. Доиралардан ташқары турли иероглифлар «битилған» эди. Олимлар бу сирни ҳанузгача ўрганишмоқда.

Хуллас, «сирли доиралар»нинг сири хали-хануз сирлилігінде қолмоқда. Балқы яқын келажақда бу жумбоқ ҳам ўз ечими ни топиб қолар?..

Авазхон АБДУФАТТОХ.



### МИКРОТҮЛКІНЛИ ҚҰВВАТ

2001 йилда инглиз доиралари ҳар доимидан бироз кечроқ пайдо бүла бошлади. Баъзилар бундай доираларни сохтакор агрографичилар яратып, деган тахминни ҳам илгари суришди. Баҳор фаслиниң охирiga келиб ўз әқинзорларига чиққан фермерлар бутун Бирлашган Қироллек бүйлаб умумий ҳисобда 88та катта-кічин доираларга дуч келиши. Бу ўтган йилги күрсаткычдан анча кам бүлсада, бу йилги «доиралар» анча чиroyли да мұраккаблиги билан ажralиб турарди. Одатдагидек, энг мұраккаб тасвирлар мавсумнинг охирiga түрги келди. Аммо энг ноёб доира 2001 йилнинг 12 августига ўтар кечаси «яратилди». Уитширдеги Сүт тепалиги деган жойда диаметри 24 метрлік 409та майдада «доиралар»дан иборат спираль шаклидаги тасвир пайдо бүлди. Энг ажабланарлары, бу гаройиб тасвир бор-йўғи бир кечада пайдо бүлган!

Бундан ташқары, кун бўйи чеалклаб ёмғир қўйганига нима дейсиз? Тағин тасвир акс этган майдон жуда нотекис бўллиб, унча-мунча сохтакор бундай жойда ишлashedan бош тортиши аниқ эди.

«Доиралар»нинг микротүлкінлар на-

## • Фаройибот

# БЕКМУРОДНИ КИМ УЙГОТДИ?

Тун. Жимжитлик. Осмонда юлдузлар чарогон. Ой шульаси ширин уйқуда ўтган Бекмуроднинг юзини ёритмокда...

Уйда бир ўзи қоровул бўлиб қолган. Қолганлар амакисиникига тўйға кетишган. Чорпояга жой солиб ётди. Кейин босинқираб, сапчиб ўрнидан туриб кетди.

– Хайрият-е, тушим экан! – деб юборди беихтиёр.

Тушида чорпояда ўтирганиш. Кейин кимдир орқасидан туртиби. Қараса, бутунлай нотаниш одам. Юзи жуда кўрингинли эмиш!

У кўлидаги китобни Бекмуродга берибди-да, кейин орқага тисарилаб, кета бошлабди:

«Ахир бу менинг китобим-ку! Уни қаердан олдингиз? Умуман, кимсиз ўзи?», деган саволларга жавоб бермабди.

Бекмурод китобни очиб қараса, «эхтиёт бўл, ёнгиг!» деган ёзувни ўқиби...

Бир пайт кўзларини уқалаб, қараса, ошхонадан тутун чиқяпти... Сапчиб туриб, ўчиришга киришди. Аланганинг кучайиб кетишига йўл қўймай, ўчириди. Керосин солинган канистрага етишига озгина қолибди-я!

Қ. ТЎЛАБОЕВ.

## ЙЎЛДАГИ ПАРИЛАР

1989 йилнинг октябрь ойлари эди. Онам, мен, укам, синглим отам бошқараша «Жигули»да Самарқандга кетаётгандик...

Отам машина бошқаришга уста бўлиб кетган, баъзан ҳатто, каскадёрлар каби тезликни ҳаддан зиёд оширади. Онамга эса мудраб қолмасликин тайинлардилар:

– Қизиқроқ ҳикоя, шеърлар айтиб ўтири, ухлаб қолмай.

Хуллас, йўл узоқ. Кечаси Жиззахдан ўтганда йўл бўйида тўп-тўп бўлиб келаётганд қизларни кўрган онамнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди:

– Вой, анави қизларни! Шу тобда қаерда тўй бор экан-а?

Мен ҳам кўрдим. Улар анча чиройли, келишган, эгниларидан... ҳеч таърифлай олмайман, ғалати, пуштироқ, кўкимтирга ўхшаб кетадиган кўйлакларда шошиб кетиб боришарди. Тавба, йўл четида бирорта ҳам уй кўринмайди-ю, қаердан келишаётганд экан-а?! «Гапирма, жим», ишорасини қилди отам онамга секин. Машинани сал тезлатиб, дуо ўқиб бордилар...

Орадан йиллар ўтса-да, ҳозиргача мени шу сир-синоат қизиқтиради. Ўз кўзимиз билан кўрганимиз тушми ёки ҳақиқат? Ахир ўша ҳодисага уч киши гувоҳ бўлганимиз! Латиф кўйлаклардаги ўша қизлар тўдаси Кўхи Қофдаги париларга ўхшарди. Демак, ҳаётда ҳам худди шундай парилар бор экан-да!?

Бир куни шу воқеани онамга эслатдим.

– Ҳа, Ҳудо бир асрарди, – деди онам. – Яхшиям, отанг дуо ўқиши билади. Ҳозир эсласам, кўрқиб кетаман. Уларнинг қаерга боришига қизиқиб орқаларидан боргим келиб қолувди. Отангнинг ҳам машинани тўхтатишига бир баҳя қолган. Хайрият, ўзини тутиб, тезликни ошириби.

Д. ЖУМАБОЕВА.



## ● Обуначиларимиз орасида

## Дўстимни қутлайман...

«Жанубий Қозогистон» газетаси вилоятимиздағи барча ўзбекзабон аҳоли учун ўзига хос умумий минбаримизга айланган. Барча яхшиликлар, янгиликлар, огоҳлантиришлар ҳақида ушбу нашр орқали хабар

топамиз. Мен чорак асрдан бўён рўзноманинг ашаддий муштариисиман. Ҳар бир сонини қизиқиб ўқийман. Қадрдан дўстим Низомхон Сулаймоновнинг 70 ёшга тўлиши ҳақидаги табрикни ўқиб, мен ҳам суюкли

нашримиз орқали юбилияни қутлаб, мустаҳкам саломатлик, омад ва саодат тиламоқчиман. Умрингиз узоқ бўлсан!

**Фарҳод АБДУЛЛАЕВ.**

Кентов шаҳри, Юнгак қишлоғи.

## ● Мозийга назар

## «Ҳазрат Занги ота» китобини ўқиб...

Инсоният ва миллат тарихий хотира билан тирик. Миллий маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд бўлиш баробарида илм-фан дурданаларини яратиш, авлиё, олиму фузалоларнинг, улуғ зот ва буюк сиймаларнинг маънавий меросини чуқур ўрганиши биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Таникли ҳуқуқшунос олим Акмал Сайдовнинг «Ҳазрат Занги ота» асарини зўр қизиқиши билан ўқиб чиқдим. Муаллиф асарни яратишда бой тарихий, миллий ва хорижий манбалардан фойдаланган.

Асарнинг биринчи боби «Машҳур шайх, улуғ авлиё, шайхулмашайх» деб номланиб, унда Занги отанинг яшаган даври, оиласи, авлодлари, ул муборак зотнинг устозлари, халифалари, издошлиари билан боғлиқ қатор тарихий ва илмий маълумотлар таҳлил этилган.

Иккинчи боб – «Занги ота мажмуаси – ноёб меъморий мўъжиза» деб ном-

ланган. У Занги ота маҳалласи, даҳаси, қишлоғи, тарихий меъморий ансамблига бағишинган. Шунингдек, Занги ота мажмуасининг бунёд этилиши, тарих силсиласида унинг ўрни, аҳамияти билан боғлиқ жиҳатларига эътибор қаратилган. Ушбу бобда Амир Темур тафаккури ва заковатининг тимсоли, макбара қурилишида Соҳибқирон билан боғлиқ нақллар келтирилганлиги унинг илмий-тарихий ва замонавий аҳамиятини янада оширган десак, аслу муболага бўлмайди.

Китобнинг учинчи бобида ғоятда муҳим ва долзарб масалалардан бири сифатида «Ҳазрати Занги ота маънавияти»га бағишинган. Муаллиф тасаввуф илми тушунчаси ва шуурини ёритиб берган.

Китобдаги Ҳазрати Шайх Занги отанинг таълим услублари ўқувчининг дикқат-эътиборини ўзига жалб этади. Муаллифнинг эътироф этишича, Ҳазрат

Шайх Занги ота тариқатидаги таълим услубини шайхлик ва муридлик одоб ва ахлоқ қоидалари Ҳазрат хожи Аҳмад Яссавий таълимитларига мувофиқ бўлгани шубҳасизdir.

Ниҳоят ушбу асарнинг тўртинчи боби Ҳазрат Занги ота шахсияти ва фаолиятиning ўрганилишига оид масалаларни қамраб, унда у зот ҳақидаги шеър ва қасидалар, ҳәётининг ўрганилиши, Ҳазрат Занги ота кўлёзма ва тарихий асарлар талқинида, унинг номи жаҳон қобусномапарida, хорижий журналларда ва дунё экранларида акс эттирилиши ёритиб берилган.

Китобнинг хотимасида, «Ҳазрати Занги ота илк Шарқ уйғониш даврининг машҳур намояндаси» қисмida миллий меросимизни ўрганиш борасидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Муҳтасар қилиб айтганда, Ҳазрат Занги ота Осиё минтақасида IX-XII асрларда юз берган биринчи қудратли илмий-маданий юқасалиш, яъни, илк Шарқ уйғониш даврининг намояндаси, ўз замонида фалсафа ва маънавият, дин ва тасаввуф ривожига ҳисса қўшган авлиё боболаримизданdir.

Абдулла МАДАЛИЕВ.

ДИҚҚАТ!  
ЁРДАМ СЎРАЙМИЗ!

Мақтаарал тумани, «Иржар» хўжалиги, Азат овулдаги Шинар кўчасининг 6-ўй турғуни, 1992 йил 30 январда туғилган Лайло Айтбай қизи САДИҚОВА жорий йилнинг 5 сентябрь куни бедарак ўйқолди.

Эгнида оқ-ҳаво ранг кўйлак, жинси шим, оёғига оқ кеда бўлган. Бўйи: 170 см. Кўзлари жигарранг, соchlари кўнгир, юзида учта холи бор, астма хасталиги билан оғриган. Ёнида маълум мидорда пули бўлган.

Кимда-ким у ҳақда бирон маълумотга эга бўлса, қуидаги телефон рақамига хабар беринингларни сўранамиз: +7-747-382-51-57.

Йўқолган шахснинг телефон рақами: 8-775-463-20-92.

ПРОБАЦИЯ ЕСЕБИНДЕ  
ТҮРҒАН АЗАМАТТАРДЫ  
ЖҮМЫСҚА  
ОРНАЛАСТЫРУ –  
МАҢЫЗДЫ

Қазақстан Республикасының «Пробация туралы» Заны пробацияны уйымдастыру жэне іс-қимыл жасау саласындағы қоғамдық қызметтерді реттейді, пробацияның мақсатын, принциптерін, нысаны мен турлерін, тусінігін пысықтайді, сонымен бірге, пробация қолданылған тұлғалардың және оны орындағын субъектілердің құқықтық мәртебесін белгілейді.

Мемлекетіміздың құқық қорғау органдарының бірі – пробация қызметі инспекциялары. Олардың басты міндеті – сот органдарының заңды күшіне енген үкімі бойынша қоғамдық жұмысқа және басқа да жұмыстарына тарту еркіндігін шектеу, белгілі бір лауазымды іелену немесе белгілі бір қызмет турімен айналысу құқығынан айырлыған, шартты турде сottалған, тағайындалған жазалары кейінге қалдырылған жүкті әйелдер мен балалары бар ейелдердің мінез-құлқына бақылау жасау болып табылады. Сонымен қатар, инспекцияның сottалғандарды қоғамнан оқшаулаумен байланысты емес Қылмыстық-атқару заңнамасына сай атқарып, Қылмыстық атқару жүйесінің бір болімшесі деп атасақ, адаспаймыз. Пробация инспекциясының қызметкерлері пробация есебінде түрған тұлғаларға өлеуметтік-құқықтық көмек алуына ықпалын тігізеді.

Әсіресе, пробация есебінде түрған азаматтарды жұмысқа орналастыру – қоғам ушін маңызды мәселе. Жергілікті атқару органдары, қоғамдық бірлестіктер және басқа да мекемелер пробациялық бақылауға қойылған тұлғаларға өлеуметтік-құқықтық көмек бере алады.

Сottалғандарды жұмысқа орналасыту, медициналық көмек, құқықтық және басқа да көмек көрсету – өлеуметтік-құқықтық көмек көрсету болып табылады.

**Бақытжан АБДУЛЛА,**  
**Шымкент қалалық №3 ПҚ**  
**бөлімінің аға инспекторы,**  
**әділет аға лейтенанты.**



Үлдирғансан, дейишарди.

Мен ҳеч нима демай, йўлимда давом этардим.

Бир куни ўқитувчимиз сўраб қолди:

– Хўш, ўшанда нима бўлувди?

Мен бўлған воқеани айтиб бердим. Ўқитувчимиз эса ишонмади.

Менга энди барибир, чунки минг уринмай, ҳеч кимни ишонтиролмасдим. Менинг бегуноҳлигимни айтадиган Ваҳоб энди йўқ. Яхшиямки, бу гапларни ота-онам билишмайди. Акс ҳолда, қай ахволга тушишади, билмайман.

Агар гуноҳим бўлса, Ҳудонинг ўзи менни жазолайди. Мен бундан кўркмайман.

Ваҳобнини ота-онасидан, маҳалладан, ота-онамдан, ҳамма-ҳаммадан гарчи гуноҳим бўлмаса-да, кечирим сўрайман.

НУРБЕК.

## ● Истиғфор

## УМРИ УЗУН ЁЛГОН

2014 йилнинг қиши кунлари эди. Эрталаб мактабга бориш учун йўлга чиқдим. Энди озигина юрувдим, кимдир қақири:

– Нурбек, тўхта, бирга кетамиз.

Синдошим Ваҳоб экан. Мактабгача бирга бордик. Биринчи дарс тугади. Ўша куни қалин қор ёқкан эди. Катта синклар қорбўрон ўйнаётган экан. Бизнинг ҳам шўхлигимиз тутиб кетди. Синфа атиги тўқизишина нафар ўғил боламиз. Стадионга чопдик. Дарров сирпанчиқ учиш учун жой тайёрладик. Кейин галма-галдан югуриб келиб, уча бошладик. Навбат Ваҳобга келди. У ҳам чопганича сирпанмоқчи бўлди-ю, сёғи кўтарилиб, боши билан йиқилди. Биз бараварига кулиб юбордик. У эса бошини чанглаб ерда ётари.

– Ваҳоб, ҳеч нима бўлмадими? Қаттиқ лат емадингми? – ёнига бориб сўрадим.

Ваҳоб секин бошини кўтариди-ю:

– Йўқолинглар! – деди бақириб.

Кулганимиздан изза бўлди, деб ўйладим. Ваҳоб бошини ушлаб, ўриндиқа бориб ўтириди. Биз эса ўйинни давом эттиридик.

Шу билан уйга қайтадиган вақт ҳам бўлиб қолди. Алишер, Камол ва Ваҳоб билан йўлимизиз бир эди. Тўртовлон йўлга чиқдик.

– Ваҳоб, холамнинг уйига бориб келайлик, – илтимос қилди Алишер.

– Мени кечир, Алишер, бошим қаттиқ оғрияпти, – деди Ваҳоб.

– Ўйга бормасам бўлмайди.

Камол ҳам унга әргашди. Алишер энг яқин дўстим бўлганилариги сабабли у билан мен борадиган бўлдим. Биз Алишернинг холасиникига кетдик.

Шу-шу, Ваҳоб мактабга келмай қўйди. Кейин эштишишмча, оғир касал бўлиб қолибди.

– Орқа мияси ерга қаттиқ теккан, – дебди шифокор.

– Қандай қилиб йиқилдинг? – ташвишланиб сўрабди Ваҳобдан отаси.

– Мактабдан қайтаётгандик. Нурбек билан Алишер мени йўлнинг четидаги бетонга итариб юбордим. Бошим билан тушдим, – дебди Ваҳоб.

Нега ундаға деган экан, деб кўп ўйландим. Мактабга қандай бориб келганимни билмайман. Нега ўлади? Қаочон мен уни бетонга итариб юбордим? Ахир ўша куни мен Алишер билан кетувдимку! Ваҳоб эса кейин мактабга келганий йўқ,... Энди нима бўлади? Ота-онам билишса, нима дейман?

Мен бутунлай караҳт бўлиб қолгандим.

Бир неча кун ўтиб, мактабга бораётсам, йўлимдан Ваҳобнинг тоғавачаси чиқиб қолди.

– Ҳа, Нурбек, Ваҳобни ҳам жўнатдингми? Кечқурун Ваҳобнинг жони узилди, – деди. – Алишер иккенинг уни бетонга итариб юборбисизлар-ку! Орқа мияси лат еган экан. Шифокорлар кўриб, олиб қолишининг иложи йўқ, дейишибди. Сенларни, деб ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган Ваҳоб оламдан ўтди. уни сен йиқитгансан. уни сен үлдирғансан.

Қолган гапни эшитмадим.

– Ўғлим, синдошинг Ваҳоб ўлиби, – деди отам кечки овқатга ўтирганимизда. Еяётган овқатим оғзимда қолди.

– Йиқилғанмиш. Орқа мияси қаттиқ эзилган экан.

Дадамнинг, уни сен үлдирғансан, дейишини кутардим. Йўқ, бундай демади.

Ўтган ҳар бир лаҳза мен учун азобли эди. Мактабга борсам ҳам, йўлда юрсам ҳам болалар:

– Ваҳобни сен йиқитгансан. уни сен

● Қозогистон халқи Ассамблеяси 25 ёшда



# БИЗ БИРГАМИЗ, БИР ОШЁНДАМИЗ – БУНИ ДАВР ИСБОТЛАДИ

Мамлакатимиздаги ислоҳотлар, сиёсат тизимидағи ижобий ўзгаришлар унга құшни давлатларға ҳам таъсир күрсатмай қўймади. Ш. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланғандан сўнг Қозогистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар янги босқичга кўтарилиди. Давлатларимизда Ўзбекистон ва Қозогистон йиллари юқори савида ўтиб, қозоқ-ўзбек алоқалари тарихида алоҳида ўринни эгаллади. Қозогистон ўзбекларининг “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Икромжон Ҳошимжонов билан сұхбатимиз шу мавзуга багишланди.

**Сұхбатимизни йил натижалари ҳақидаги мұлоқазалардан бошлады.**

– Дўстлик ришталарини мустахкамлаш, ҳалқларимиз ўртасидаги маданий, иқтисодий, маънавий алоқаларни тиқлашга бел болғлаган эканмиз, Яраттанинг ўзи ишларимизга мадад бершига шубҳа йўқ. Зеро, алоқалар ўзининг янги босқичига кўтарилиди, илиқ мұносабатларнинг ҳамюрларимиз фаолиятида акс этаётгани эса жуда қуонарлидир. Қозогистонда Ўзбекистон йили доирасида кўплаб ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўлдик. Икки ҳалқ ўртасидаги алоқалар яхшиланишида давлатларимизнинг чегара сиёсатидаги ижобий ўзгаришлар дастлабки қадам бўлди, десак ўринлидир. Турли давлатлараро шартномалар босқичма-босқич амалга ошмоқда...

раҳбари, юртдошимиз М. Исломкулов, Озарбайжон ва Қирғизистон республикалари ёзувчilar уюшмалари вакиллари иштирок этишиди. Сабит оғани таваллуд куни билан қутлаб, совғалар топширилди. Буюк бобомиз Мир Алишер Навоийнинг 578 йиллиги мұносабати билан “Навоий

**Икки ҳалқ ўртасидаги алоқалар яхшиланишида давлатларимизнинг чегара сиёсатидаги ижобий ўзгаришлар дастлабки қадам бўлди**

сабоқлари” кўрик-танлови ўтди. 9 февраль куни Тошкент шаҳридаги ҳалқаро тадбирда қатнашиб, бобомиз ҳайқали пойига гулчамбарлар қўйилди, Икром Ақром ўғли унда мамлакатимиз вакили сифатида маъруза қўлди.

Апрель ойида Соҳибқирон



академик драма театрида Шимкент шаҳар ўзбек драма театри жамоаси С. Дўсановнинг “Қашқир улиган тун” спектаклини намойиш этиди.

ОАВ, ижтимоий тармоқларда “Дўстлик” ҳамжамияти туғи остида амалга оширилаётган йирик учрашувлар ҳақида хабарларни кўриб, дилимиз яйрайди. Сўнгги йилларда адабиётлар дўстлашишига гувоҳ бўляпмиз, бунга бизнинг шоирларимиз, адабиёт ихлосмандларининг чол этилаётган асарлари, таржималари далил. Таникли журналист, шоир Зокир Аҳмад ўғлининг қозоқ адиларининг асарларини ўзбек тилига, ўзбек адилари асарларини қозоқ тилига қилган таржималарини, ҳалқимиз миннатдорчилигини ОАВ-да муттасил бериб боряпмиз.

арисликларнинг бошпаналарини тиқлашда жонбозлик кўрсатиши. Кимдир маблаги билан, кимдир қурилиш материаллари, яна кимлар озиқ-овқатлар билан баҳоли қурдат ёрдам берди. “Дўстлик” ҳамжамияти номидан

**ОАВ, ижтимоий тармоқларда “Дўстлик” ҳамжамияти туғи остида амалга оширилаётган йирик учрашувлар ҳақида хабарларни кўриб, дилимиз яйрайди. Сўнгги йилларда адабиётлар дўстлашишига гувоҳ бўляпмиз.**

арисликларга, салкам 30 миллион тенгелик моддий ёрдам кўрсатилди. Мақтааралда сув тошқиндан азият чекканларга ҳам 45 миллион тенгелик ёрдам берилди. Бу чорак аср давомида миллатларни бирлаштириб келаётган ҚҲАнинг айни кунларда ўз вазифасини шараф билан адо этаётганидан далолат беради, – деди И. Ҳошимжонов.

**Covid пандемияси туфайли давлатимизда фавқулодда вазият эълон қилинди. “Биз биргамиз” акцияси доирасида ўтказилган кўп тадбирларда миллатдошларимиз фаоллик кўрсатиши.**

Пандемия туфайли йирик тадбирлар, байрамлар нишонланиши тўхтатилса-да, байрам шукуҳи хонадонларга кириб боришини ҳеч ким тақиқлаган эмас. Бу балодан ҳалқимизни, айниқса, кексаларимизни авайлаш учун



Сұхбатдошим адабиётлар дўстлиги масаласига ҳам алоҳида ўтиб юратди.

Ўнинг айтишича бу, айниқса, сўнгги икки йил мобайнида кўзга яққол ташланди. Икки ҳалқнинг адабиёт намояндалари чин маънода бир-бирларини соғинганлиги йиллар давомида бўй кўрсатди. Пандемия давридан аввалигина тадбирлар бунинг исботи, адабий учрашувлар бунга далил. Алматида жамоат фахрийи, “Парасат” ордени соҳиби, таникли драматург Сабит Дўсановнинг таваллуд айёми нишонланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ёзувчilar уюшмаси қошидаги қозоқ адабиёти бўлуми

Амир Темур таваллудининг 683 йиллик айёми нишонланди. У тадбирда Марказий Осиё республикаларидан делегацияси таркибида иштирок этиди. Соҳибқирон сиймосида саҳнага чиқсан Абубакир Хонхўжаев ўз монологи билан томошабинлар қалбини жунушга келтирган онлар кўпчиликнинг ёдиди. Саноқли кунлардан сўнг Тошкентдаги Анжуманлар саройида ҚР Президенти К. Тўқаев ҳамда ЎзР Президенти Ш. Мирзиёев расман учрашиб, Ўзбекистонда Қозогистон йили тантанали очилди. Тарихий сана театримиз тарихи зарварақларига олтин ҳарофлар билан битиладиган бўлди – Ўзбек Миллий

ҚҲАнинг ташкил этилганига 25 йил тўлди. Қозогистон худудида истиқомат қиласидаги турли этнос вакилларининг ҳамжиҳатлиги юрт бошига оғир кун тушганда яққол намоён бўлди. Ҳамюрларимизнинг Арисда юз берган фалокат оқибатларини бартараф этишида ҳам фаол иштирок этишгани шубҳаси.

– Ҳақиқатан, ҳамюрларимизнинг бирлиги, ҳамжиҳатлиги мана шундай синонли кунларда билинди. Жуда кўп тадбиркорларимиз, ҳамжамиятимиз фаоллари мусибатли кунларда саховат кўрсатишиб, қўлларидан келган ёрдамни аяшмади, улар

Муассис: Туркистан вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – “Жанубий Қозогистон вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-йй, 4-квват. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги  
томонидан 2020 йил 21 апредан рўйхатга олниб, KZ34VPU00022503 гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466  
Адади – 10270

Бош муҳаррир – Алишер Фофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Масъул шаҳслар:

Туркистан, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.  
Тўлебий — Баҳорой ДўСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.  
Қазигурт — Хуршид КўЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.  
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.  
Туплибов — Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.  
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90.

Бош муҳаррир  
ўринбосарлари:  
**Муроджон АБУБАКИРОВ.**  
Аваҳон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба –  
Шаҳноза УСМОНОВА.

Қозогистон Республикасида тарқатилади.

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди,  
Шимкент шаҳри, Т. Алимкулов кўчаси, 22.

Буюртма:  
2454

Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.